

## РАҚАМЛАТИРИШ ВА РАҚАМЛИ БАНКЛАРДАГИ ЯНГИ МАХСУЛОТЛАР ЯРАТИЛИШ СХЕМАСИ (АЖ АНОР БАНК МИСОЛИДА)

**Эркинова Феруза нажмитдиновна**

Магистр-Банк Молия Академияси

Email:feruzaxon2025@mail.ru

Телефон:+998977338444

### **Кириш**

Бугунги кунда Ўзбекистонда банк тизими жадал равишда модернизация ва рақамлаштириш трансформациясини амалга оширмоқда. У юридик ва жисмоний шахсларга янги имкониятлар яратиш билан бирга, ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётига мос равишда замонавий хизматларни жорий қилмоқда. Тижорат банклари инновацион хизматларни таклиф этиб, янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш орқали мамлакат иқтисодиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Ушбу тадқиқотда республикадаги тижорат банкларининг инновацион хизматлари ва уларнинг турлари, банк тизимини ривожлантириш учун олиб борилаётган ишлар, хориж банклари тажрибаси, шунингдек, илмий изланишлар асосида юзага келаётган муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинади.

Миқдорий методология таҳлили натижаларига асосан инновацион банк хизматларининг тижорат банкларининг ривожига ва уларнинг соф фойдасига таъсири катта эканлиги асосланиб, рақамли хизматларни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Рақамли банк хизматларини самарали татбиқ этиш банкларни рақамлаштириш жараёнини кучайтириш, миқдорларга шаффоф ва сифатли хизматларни таклиф қилиш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш,

тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш ва mijozlar базасини кенгайтириш имкониятларини яратади.

**Калит сўзлар:** Янги платформа, рақамли хизмат, CRM, банк мобил иловаси, кибер хавфсизлик, интерне банкинг, ЭКО система, Блокчейн, Савдо Экваринги, Бизнес карта, Рақамли тўлов тизимлари.

## ABSTRACT

Today, the banking system, rapidly modernizing, is continually improving, creating new opportunities for both legal entities and individuals. The banking system in Uzbekistan is undergoing significant transformations, aiming to match the advanced banks of developed countries. It is introducing a wide range of changes. It is introducing a wide range of changes and modern banking products, contributing to the growth of the sector. This research focuses on the innovative services offered by commercial banks in our country, their types, and the ongoing efforts in the banking sector. The study also includes experiences from leading foreign banks, various research, and works of scholars on emerging issues, challenges, and scientific studies at overcoming them. Quantitative analysis results and the importance of innovative services for the growth of the banking sector and its profitability are discussed. Furthermore, the research proposes several recommendations for continuously improving inactive digital services in commercial banks. The effective implementation of digital banking services today is essential for organizing a structure that fully meets the demands of the digitalization era. It helps banks offer transparent and high-quality services to customers in real-time, saving both time and money. This, in turn, enhances the competitiveness and profitability of commercial banks, increases revenue, and creates opportunities to expand the customer base.

Keywords: New platform, digital services, CRM, mobile banking app, cybersecurity, internet banking, ecosystem, blockchain, trade acquiring, business card, digital payment systems

**Кириш.** Бугунги кунда шиддат билин ривожланиб бораётган техника технологиялар замонида аҳолини замонавий банк хизматлари ва уларни сифат ва қулайликларига бўлган талаблари ошиб бормоқда, бу эса банклар ўртасида янада ривожланиш ҳамда замонавий банк хизмат турларини ва маҳсулотларини ишлаб чиқиб ривожлантириш ҳамда рақобатбардошликни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мижозлар ҳар томонлама қулай ва ҳар ерда ҳозир бўлган банк хизмат турларидан фойдаланадилар. Бу эса тижорат банклари зиммасига юридик ва жисмоний шахсларга янада қулай ва осон хизмат турларини таклиф қилиш уларга қулайлик яратишга ва янги вазифалар юклашга ундайди. Бугунги кунда рақамли дунё хизматлари ривожланиб мижозларни ўз хизмат ва янгиликлари билан қамраб олаётди. Банклар истеъмолчиларни талб ва таклифларини ҳамда эҳтиёжларини тўлақонли ва сифатли қондиришлари бу давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки мамлакатимизда янгидан янги банклар ва хизматлар ортиб бормоқда. Банклар замонавий янги хизмат турларини таклиф қилиш ва инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда банк тизимига янгиликлар олиб кириш орқали рақобат устунлигини сақлаб қолишлари мумкин.

Янги инновацион техника технологияларни қўллаш орқали банклар юридик ва жисмоний шахсларга замонавий, тезкор ва қулай банк хизматларини тақдим этиш имкониятига эга бўядилар. Бу эса мижозларга ортиқча оворагарчилик ва қўғозвозликларни олдини оладини олишда муҳим рўл ўйнайди ва банк хизматларини тежайди.

Мижозлар исталган вақтда ўзларига керакли хизмат турларидан фойдаланиб 24/7 банк хизматлари орқали ўз амалиётларини бажариб керакли хизматлардан фойдаланиш ҳамда маълумотлари олиш имконига эга бўладилар. Замонавий банк хизматлари мижозлар учун юқори тезлик ва аниқлик ҳамда

вақт, маблағ тежалишида ва бу хизматлар орқали банк мижозлар базаси ортиб банкларга даромадлилик ва рақобат устунликларини тақдим этишда жуда муҳим.

Бу эса ҳозирда банкларни янги ва инновацион хизматларни ишлаб чиқиш ва кенгайтириш шунингдек бор маҳсулот турларини янада такомиллаштириб мижозлар учун оммабоп ва осон ва қулай қилишга ундамоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда банк хизматларини рақамлаштириш, молиявий хизматларни аҳоли қатламларига кенгроқ етказишни рағбатлантириш ҳамда тўлов тизимини такомиллаштириш марказий банк ва юримиз учун алоҳида эътибор марказидаги масалалардан бири саналади. Сўнги йилларда тижорат банкларда рақамли хизматларни кенгайтириш, замонавий технологияларни ва банк маҳсулотларини тадбиқ этиш борасида жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Рақамлаштириш жараёнларида турли платформалар ишлаб чиқилиб ва янги инновацион технологиялар жорий этилмоқда.

Бу технологик янги тарақиёт ва маҳсулотлар мижозларга қулайлик ва масофадан туриб хизмат кўрсатиш имконини беради ҳамда мижозлар учун хизматлардан фойдаланиш даражасини осонлаштиради ва тезлаштириди ва шаффоқликни таъминлайди.

Замонавий банк хизматлари бизнес жараёнларини автоматлаштиради, турли хил хатоликларни олдини олади ҳамда банк транзакциялари ва банк операциялари самарадорлигини таъминлаб беради. Тезкор молиявий хизматлар нафақат мамлакатимиз мижозлари балки инвесторлар учун ҳам кўпроқ имкониятлар яратади ҳамда мамлакатимизда чет эл корхона ва фирмалари ортиши, мамлакатимизга пул оқими кириб янада ривожланишга олиб келади.

Молиялаштириш кўлами кенгайиб банклар учун кўплаб лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари ошади. Бу эса умумий иқтисодий ўсишга туртки беради.

Рақамли банклар мижозлар билан яқинлашиш ва уларни эҳтиёжларини аниқлаш учун янги платформаларни ишлаб чиқмоқда. Шахсийлаштирилган хизматлар ва мустақил тасдиқлаш тизимлари мижозларнинг ишончини оширади.(Michael Burns, 2023)

Иннавацiон тарақийётлар ҳар бир давлтнинг иқтисдиётига ижобий ўсишни таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида банк изимини янда такмиллаштириш, модернизация қилиш бўйича қанча мақсадлар белгилаб қўйилган.

Бу борада қуйидаги маълумотлар келтирилган:

- банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимларидан ( интернет банкинг,Смс банкинг, мобил банкинг)хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

- Аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарни муомлага киритиш.

-Пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тарифларни камайтириш.

-Тўлов терминалларида фойдаланганлик учун ижара тўлов миқдорини икки маротаба камайтириш.

-Валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш. (Харакатлар стратегияси 2017)

2021- йилги “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида банкларда ички бизнес жараёнини автоматлаштириш орқали инсон ресурсларидан самарали

фойдаланиб, ходимларни аосан мижозбай ишлашга йўналтириш мухм вазифалардан бири сифатида қаралган.

Бунда қуйидагилар назарда тутилган:

- Банкларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда халқаро умумэтироф этилган стандартарга мувофақлаштириш мақсадида мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) тизимини йўлга қўйиш.
- Молиявий технологиялар асосида янги рақалаштирилган банк хизматларини жорий қилиш.
- Банкларни ахборот технологиялари инфратузилмаларини такомиллаштириш.
- Мижозларга замонавий стандалар асосида хизмат кўрсатиш бўйича билим ва кўникмаларни ўсишига қараилган алохида ўқиш ва семинарлар ташкил этиш. (ПФ-6155, 2021)

Шу боисдан рақамли хизматларни кўпайтириш, банкларни худудий қамровини кенгайтириш ва аҳоли учун қулай нуқталарда сифати банк хизматларини кўрсатиш ҳамда қулайликлар яратиш бу мамлакат ривожини ҳамда аҳоли қулайликлари учун мухм.

**Адабиётлар шархи.** Бугунги кунда замонавий банк хизматлари ва уларни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги адабиётлар кўпгина олимлар ва мутахассислар томонидан изланишлар олиб борилган ва турли мақолаларда ўз аксини топган. Замонавий банк тизими глобаллашув ва рақамлаштиришнинг таъсирида шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бунинг натижасида янги технологиялар, молиянинг рақамлаштирилган шакллари ва банкоматлардан нафақат кассирлар, балки ҳар бир шахс учун қулай хизматларни таъминловчи хизматлар яратила бошлади. Қуйида баъзи олимлар ва уларнинг замонавий банк хизматларига оид фикрлари келтирилган: **Стивен Коч (Stephen Koch)**, молиявий

технологиялар бўйича мутахассис: Стивен Коч замонавий банк хизматларининг асосий йўналишларини мобил ва интернет-банк хизматларининг тезкор ривожланиши билан боғлайди. Унинг фикрича, банклар ҳар бир мижозга хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини ишлаб чиқишга эътибор қаратмоқда, бу эса уларга рақобатбардошликни сақлашга ёрдам беради. **Томас Бенкен (Thomas Benken)**, блокчейн технологиясининг экспертлари: Томас Бенкен блокчейннинг банк хизматларидаги аҳамиятига урғу беради. Унинг фикрича, блокчейн технологияси фақат криптовалюта билан боғлиқ эмас, балки банкларда хавфсиз ва шифрловкаланган маълумотларни сақлаш ва транзакцияларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Бу технология бизнинг банк хизматларимизга ишонч ва шаффофлик қўшади. **Джеймс Харрис (James Harris)**, қарз ва молиявий хизматлар бўйича мутахассис: Джеймс Харрис замонавий банк хизматлари учун ижтимоий масъулиятни таъкидлайди. Унинг фикрича, банклар ўз хизматларини фақат молиявий манфаатлар эмас, балки ижтимоий, экологик ва ахлоқий жиҳатлардан ҳам баҳолашлари керак. Банклар мижозларига самарали хизмат кўрсатиш билан бирга, ижтимоий ва экологик лойиҳаларга ҳам сармоя киритишлари керак деган фикрларни олдинга сурган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот методологияси замонавий банк хизматларини ўрганишда муҳим восита бўлиб, бу соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш учун янги ёндашувлар ва инновацион ечимларни таклиф қилишга ёрдам беради. Замонавий банк хизматларини ривожлантиришда, ушбу тадқиқот усулларининг асосий мақсади — банкинг соҳасидаги энг замонавий ва самарали технологияларни жорий қилишдир ҳамда мижозларни ўрганиш статистик таҳлиллар ҳамда мижозлар хоҳиш истагидан келиб чиқиб янги замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқиш банк соҳасини ривожлантириб замонавий мамлакатлар қаторида бўлишини тўминлаш муҳимдур. Тадқиқод метадалогиясида миқдор ва сифат метадалогияси бу тадқиқодларни самарадорлигини ошириш ҳамда аниқликни аниқлаш учун муҳимдур.

Уларни хар бирини афзаллик ва чегаралари мавжуд бўлиб аммо биргаликда фойдаланганда тадқиқодни тўлиқ ва аниқ натижаларини аниқлашга имкон беради.

Ушбу метадалогия воситасида тадқиқод иши маълумотлари барча афзаллик ва камчиликлари тўпланиади, маълумолар ўрганилади анализ қилинади ҳамда маълумотлар йегишда фойдаланилган усуллар ва принсплар ҳамда олинган натижалар тақим эилади. Ушбу метадалогияикки асосий категорияга бўлинадаи булардан: миқдлоий(квантитаив) хама сифат(квалитатив) методлари.

**Тахлил ва натижалар.** Ўзбекистонда замонавий банк хизматлари бозорини ривожланириш тенденциялари.Кўп вақтлар давомида рақамли трансформация деганда анъанавий маълумотларни рақамли кўринишга ўтказиш уларни замонавий услубларда осон ва қулай қилиш тушиниган.

Digitization сўзи рақамлаштириш деган маънони англатади аммо техника технологияларни ривожлантиришни кейинги босқичида degitilization жараёнда барча банк махсулотларини рақамли кўринишда яратилиши кўзда тутилган.

Рақамлаштиришнинг асосий мақсади эса истемол характерига эга бўлган янги функционал замонавий иннавацион махсулотлар яратиш уни банк тизимида ривожлантириш, рақамлашириш саноат ревалюциясининг 4-элементи хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислох қилиш” стратегияси тасдиқлангандан сўнг банк секоридаги муаммоларни бартараф этиш , корпаратив бошқарув сифатини ошириб банкда хизмат кўрсатиш ва замонавий хизмат турларини замон талабига мослаштириш аҳолига қулайликлар яратишдан иборат.

АНОР БАНК» АЖ айнан шундай концепцияни танлаган, чунки у бугунги кунда ўзини тўлиқ оқлай олади. Мамлакат аҳолиси янада мобилроқ бўлиб қолди,

рақамли технологиялардан фойдаланишни ва кўпгина хизматларни масофадан ва дунёнинг исталган нуктасидан сутка давомида олишни афзал кўради.

Ривожланган хориж мамлакатлардаги рақамли банклар ва Ўзбекистондаги АЖ Анор банк рақамли хизматлар турлари солиштирмаси.

| Рақамли онлайн банклар   | Замонавий хизматлар                |
|--------------------------|------------------------------------|
| REVOLUT (Британия Литво) | - Мобил банкинг                    |
|                          | -Криптовалюта савдоси              |
|                          | -Халқаро пул ўтказмалари           |
|                          | -Сарф харажатлар мониторинги       |
| N26 (Германия)           | -Мобил банк ҳисоби                 |
|                          | -Автоматлаштирилган ҳисоб китоблар |
|                          | -Мижозларга мўлжалланган хизматлар |
|                          | -Халқаро пул ўтказмалари           |
| MONZO (Лондон)           | -Мобил банкинг                     |
|                          | -Мижозлар учун махсус таклифлар    |
|                          | -Халқаро пул ўтказмалари           |
|                          | -Сарф харажатларни назорат қилиш   |
| CHIME(Сан Франсиско)     | -Бепул мобил банкинг               |
|                          | -Автоматик жамғариш хизмати        |
|                          | -Мижозларга мўлжалланган таклифлар |
|                          | -Пулни тез ўтиши                   |
| ALLY BANK(АҚШ)           | -Онлайн депозит ҳисоблари          |
|                          | -Мобил банкинг                     |
|                          | -Ипотека ва кредит хизмалари       |

|                    |                          |                               |
|--------------------|--------------------------|-------------------------------|
|                    | -сарф<br>оптималлаштириш | харажатларни                  |
| АЖ<br>(Ўзбекистон) | АНОР                     | БАНК                          |
|                    |                          | -Мобил банкинг                |
|                    |                          | -Интерне банкинг              |
|                    |                          | -Пул ўтказмалари              |
|                    |                          | -Кредитлар                    |
|                    |                          | -Онлайн депозит               |
|                    |                          | -Крептовалюта хизматлари      |
|                    |                          | -Тижорат хизматлари           |
|                    |                          | -Автоматлаштирилган хизматлар |
|                    |                          | -Мижозларга хизмат кўрсатиш   |
|                    |                          | -Турли хил тўлов хизматлари   |

Манба; Илмий мақола( Digital banking A Review of the Literature Journal of Bank and Finance).(Fi Tech conference Money 20\20 )

Ушбу жадвалда ривожланган хориж давраларда ва Ўзбекистондаги рақамли банклар ва уларнинг замонавий хизматлари ҳақида умумий тасаввур бериш мумкин. Рақамли банклар оддатда юридик ва жисмоний шасларга қулайлик ва тезликни таъминлаш мақсадида инновацион хизматларни таклиф қиладилар.

**АЖ АНОР банкда электронлаштирилган тадқиқод метадалогияси автоматлаштирилган банк бизнес карталари Технологик схемаси.**

Бизнес карта "ANOR BANK" акциядорлик жамияти ИТ-Ахборот технологиялари томонидан ишлаб чиқилган замонавий банк маҳсулоти (маҳсулотдаги ўзгаришлар/янги маҳсулотлар). Банкнинг ишлаб чиқувчилар жамоаси томонидан ва банк томонидан жалб қилинган ишлаб чиқувчилар жамоаси билан шартнома асосида ишлаб чиқилган ва жорий этилган маҳсулот. Қайта кўриб чиқиш-аввалги ишлаб чиқилган ва жорий этилган маҳсулотларни

яхшилаш, созлаш, бошқа дастурий таъминотлар билан интеграция қилиш ва ҳамкорликни қайта созлаб маҳсулот яратилган. Маҳсулот эгаси-Банкнинг бизнес бўлимида ишлайдиган ходим, маҳсулотни ишлаб чиқиш Функционал роль-Функцияни бажарувчи (ҳамда бу функцияни бажариш учун жавобгар) ходимга нисбатан белгиланган.

Масалан: Валюта бўйича назоратчи. ЕР-моделлари-Entity-relationship модели (инглизча) – муҳокама қилинаётган технологик схемада асосий субъектлар орасидаги боғланишни кўрсатувчи диаграмма. Бизнес картани банк бўлимлари-Чақана бизнес бўлими, Корпоратив бизнес бўлими.

ТИР-Стандарт Интеграцион ечим (BSS) ЭПД-Электрон тўлов ҳужжати ИК-"Интернет-Клиент" канали биргаликда йўлга қўйган.

### Қисқача тавсиф, фарзлар ва чекловлар

Ушбу технологик схемада юридик мижозларнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини бизнес картага ҳисоб рақамига тўлдириш орқали ундан нақд пул ҳисобида олиш ҳамда корпоратив карта мисолида ишлатиш кўзда тутилган. Бу орқали мижозлар осонгина ҳисоб рақамларидаги маблағларни чке дафтарчаларисиз ечиб олиш имконини оладилар бу янгилик АЖ Анор банкда биринчи бўлиб янги замонавий банк маҳслоти сифатида тадбиқ қилинган.

### Автоматлаштиришга оид функционал талаблар

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги ўринларда «Мижозлар») учун Бизнес карталарни тўлдириш бўйича бизнес талаблар тавсифи:

Дистанцион банк хизматлари (ДБХ) тизимида мижозлар томонидан бизнес карталарни тўлдириш учун реестрни тўлдириш имкониятини яратиш зарур.

Реестр асосида тўлов хужжати автоматик равишда шакллантирилиши керак.

Реестрда қуйидагилар бўлиши шарт:

- бизнес картани маълумотлар луғасидан танлаш;
- касса рамзи луғати;
- касса рамзининг тавсифи (танланган касса рамзига қараб автоматик тарзда тўлдирилади);
- тўлдириш учун миқдор (сумма);

Бир бизнес картага пул маблағларини бир нечта касса рамзлари орқали тушириш мумкин.

| Касса символлари |                                                                                                                         |
|------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 4401             | Тушум ҳисобидан картага пул маблағларини тўлдириш                                                                       |
| 4402             | Маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг картасини пул маблағлари билан тўлдириш |
| 4500             | Якка тартибдаги тадбиркорнинг картасини тушум ҳисобидан пул маблағлари билан тўлдириш                                   |
| 4600             | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун картага пул маблағларини                                                 |

|      |                                                                                    |
|------|------------------------------------------------------------------------------------|
|      | тўлдириш (ЯТТ учун рухсат этилмайди)                                               |
| 5300 | Бошқа мақсадлар учун картага пул маблағларини тўлдириш (ЯТТ учун рухсат этилмайди) |

Агар миждоз бир нечта бизнес картани тўлдирса, ҳар бир карта учун алоҳида тўлов ҳужжати ва ҳар бир касса рамзи бўйича алоҳида шакллантирилади. Ҳужжат шакллантириш жараёнида ДБХда операция суммаси ва банк комиссиясига нисбатан назорат ўрнатилиши лозим.

Кейинги босқичда жараён банк ходими томонидан Эльма тизимида кўриб чиқилади. У ерда банк ходими миждоз томонидан юборилган маълумотлар билан ишлайди ва АБС орқали келиб тушган аризининг ҳаққонийлигини текширади. Агар миждознинг аризаси белгиланган талабларга жавоб берса, ходим аризани маъқуллайди ва кейинги вазифа бўлим бошлиғига юборилади. Бўлим бошлиғи аризани тасдиқлайди.

Агар ариза белгиланган талабларга мос келмаса, банк ходими аризани сабаби кўрсатилган ҳолда рад этади.

Агар аризани амалга ошириш учун банк комиссиясини қоплашга етарли маблағ мавжуд бўлмаса, банк ходими аризани сабаби кўрсатилган ҳолда рад этади.

## Biznes karta



Hisob raqamingizdan  
cheklovlarsiz pul o'tkazing va  
yeching



Kartani onlayn rasmiylashtirish



Qulay joy va vaqtga yetkazish



Moliyalarni cheklovlarsiz boshqarish



ANORBANK'dan tunu-kun ko'mak

Biznes-kartani rasmiylashtirish

Бу қилинган тадқиқод орқали миждлар инернет банк ва мобил банк орқали ўз хисобларидаги маблағни банкка келмасдан тўлдириб ва чек дафтарчаларини ишлатмасдан нақдлаш имконига эга бўладилар. Бу албатта миждлар учун қулайлик ва уларга осонлик яратади. АЖ Анор банк ҳар доим миждлар қулайлигини ўйлаган ҳолда ўз фаолиятини самарали олиб бориб миждларга тез осон сифатли хизма кўрсатиш тарафдори.

### Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларида замонавий хизматларни ривожлантириш истиқболлари жуда кенг ва узоқ муддатли жараёни талаб этади. Банклар янги технологияларни жорий қилиш, миждларга яхшиланган хизматлар тақдим этиш ва янги турли хилдаги маҳсулотларни тақдим этиш ва рақобатбардошликни ошириш орқали ўз фаолиятларини ривожлантирмоқда. Мобил ва интернет банкинг, автоматлаштириш, сунъий интеллект, биг дата, рақамли тўлов тизимлари ва блокчейн технологияларининг жорий этилиши банк секторининг янги даврига ўтишига ёрдам бериб келмоқда. Шу билан бирга, банклар ўз

мижозлари эҳтиёжларига мослашиш ва уларни қондиришда юқори самарадорликка эришишлари керак. Рақамли трансформация ва инновациялар банк секторида келажакда янада кенг имкониятлар яратади ва банкларда янги маҳсулотлар яратишга ундайди. Бугунги кунда рақамлаштириш асосида аниқлик ва ҳисобга олиш ҳар бир нарсани олдиндан кўра билиш ҳамда мамлакатиямизда ҳар бир соҳа аниқлик юзага келади бу эса мамлакатимизнинг ривожига катта ҳисса қўшади. Банк тизимини ривожлантириш соҳида таклиф ва мулоҳазаларни аядаиган бўлсак:

1. Республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик микдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, аввало, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш лозим.

2. Республикамиз тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан қўлланилаётган мажбурий заҳира ажратмалари ставкасини юридик шахсларнинг депозитларига нисбатан белгиланган фоизлик даражасини камида 50 фоизга камайитириш лозим.

3. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

4. Республикамиз тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги узвий боғлиқликнинг оқилона даражасини юзага келтириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш йўли билан уларнинг депозит базасини таркибида трансакцион депозитларнинг салмоғини пасайтириш лозим.

5. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг кредит қуйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошиб кетмаслик чораларини кўриш лозим. Бунинг натижасида банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишининг олди олинади ва

ссудалардан олинадиган даромадларнинг миқдорини камайишига йўл қўйилмайди.

6. Тижорат банкларининг фаолиятидаги иқтисодий рискларни бошқаришнинг самарали тизими шакллантирилиши лозим. Ушбу тизим трансформация рискига тўлиқ барҳам бериши, валюта рискининг активларнинг даромадлилигига салбий таъсирини камайитириши лозим.

7. Мамлакатимиз банк амалиётида халқаро Базель қўмитасининг услубий меъёрий ишланмаларидан тўлақонли тарзда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини янада ошириш мақсадида банкларнинг жорий ликвидлилик даражасига баҳо беришда талаб қилиб олинадиган депозитлар миқдорини уларнинг барқарор қолдиғи суммасига камайитириш зарур.

#### Адабиётлар:

1. Павловский, А. (2018). Цифровая трансформация в банковской отрасли: ключевые тренды и вызовы. Журнал цифрового банкинга, 3(1), 15-29.
2. Накамура, Дж., & Ёкояма, Й. (2019). Блокчейн и финансовые услуги: влияние и перспективы. Финансовые инновации, 5(3), 45-62.
3. Эванс, Д. С., & Шмаленсее, Р. (2020). Экономика цифровых услуг: исследование цифровых банковских услуг. Журнал финансовой экономики, 137(2), 276-295.
4. Шин, Х. С., & Ли, М. (2021). Искусственный интеллект в банковском деле: возможности и риски. Обзор банковских технологий, 12(4), 50-66.
5. Сулейманов, Э. М. (2023). Цифровой банкинг: эволюция и будущие перспективы. Узбекский журнал экономики и финансов, 8(2), 78-90.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ЎРҚ-578-сонли қонуни. 01.11.2019 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сонли фармони. 12.05.2020.  
<https://lex.uz/docs/4811025>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020 й. <https://uza.uz/uz>
9. Кронк Дж. Цифровая трансформация финансовых услуг –надежное вложение в будущее. URL: [https://www.cisc0.c0m/c/dam/m/ru\\_ru/ intemet-of-everything-ioe/iac/assets/pdfs/Cisco\\_Financial\\_m.pdf](https://www.cisc0.c0m/c/dam/m/ru_ru/ intemet-of-everything-ioe/iac/assets/pdfs/Cisco_Financial_m.pdf)
10. Скиннер К. Цифровой банк. Как создать цифровой банк или стать им. –М.: Манн, ИвановиФербер, 2015. –308 с.
11. King B. Bank 4.0. Banking everywhere, never at a bank. Marshall Cavendish, 2018. – 347 p. REFERENCES.
12. Peter C. Verhoef, et al., “Digital transformation: A multidisciplinary reflection and research agenda” Published in Journal of Business Research, November 2019.
13. Аюпов Р.Х, Балтабаева Г.Р., Гуломов С.С. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. –Т.: Iqtisod-moliya, 2019. 161-бет.
14. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. Т.: Iqtisod-moliya, 2017. -732 б.
15. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. (2019) Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. – Т.: ТМИ, “Иқтисод-молия” нашриёти, 2019. –447 б.
16. IMF (2017). Fintech and financial services: Initial considerations. IMF Staff Discussion Notes, No. SDN/17/05.
17. BCBS (2018). Implications of fintech developments for banks and bank supervisors. Basel Committee on Banking Supervision.
18. Philippon T. (2016). The fintech opportunity. NBER Working Paper, No. 22476

19. Стивен Коч (Stephen Koch) 2009 й, Томас Бенкен (Thomas Benken) 2019й , Джеймс Харрис (James Harris) 2023 й 1 январ.
20. ПФ-6155, 2021
21. Илмий мақола ( Digital banking A Review of the Literature Journal of Bank and Finance). (Fi Tech conference Money 20\20 )
22. <https://review.uz/oz/post/iqtisodiy-tadqiqotlar-va-islohotlar-markazi-banklar-faollik-indeksini-ishlab-chiqdi>
23. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/588197/>
24. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
25. [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz)
26. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
27. <https://business.anorbank.uz/uz/>